

Меҳнат Бозорида Малакали Кадрларга Талабни Ўрганиш Масалалари

Мамаюнус Қаршибаевич Пардаев

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти профессори, и.ф.д.

Севара Абдиназаровна Бабаназарова

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти доценти, PhD

Озода Мамаюнусовна Пардаева

ТДИУ Самарқанд филиалида кафедра мудири, PhD.


Элек. почта: ozodapardaeva@yahoo.com

Аннотация: мақолада меҳнат бозори трансформациясида малакали кадрларга талабни ўрганиш масалалари қараб чиқилган. Бунда жамият тараққиётидан келиб чиққан ҳолда янги мутахассисларни тайёрлашга мослаштирилган таълим тизимини шакллантириш зарурати ҳам қисман эътироф этилган. Ишда асосий эътибор тиббиёт соҳасидаги таълимнинг турларига алоҳида аҳамият берилган. Бунда соғлиқни сақлашга йўналтирилган касбларнинг турларига ҳам қисқача изоҳ берилган. Булардан ташқари иқтисодий -ижтимоий ҳаётимизнинг бугунги инновацион иқтисодиёт шароитидаги ўзгаришларини инобатга олиб айрим янги касбларнинг ҳам номлари келтирилган.

Калит сўзлар: таълим, янги мутахассисликлар, олий таълим, касбий таълим, креативлик, ижодий фикрлаш, малакали кадрлар, таълим сифати, янги мутахассислик, замонавий мутахассислар.

Кириш мавзунинг долзарблиги. Меҳнат бозорида малакали кадрларни тайёрлаш ва уларнинг талабларига мос шароитни яратиш масалалари мамлакатимиз раҳбарининг доимий диққат эътиборида бўлиб келмоқда. Ушбу соҳага оид бир қанча фармон ва қарорлар ҳам қабул қилинди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 8 апрелда “Меҳнат миграцияси жараёнларини такомиллаштириш ҳамда хорижда вақтинча меҳнат фаолиятини амалга ошираётган шахсларни қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ти Фармони эълон қилинди, 2023 йил 12 октябрда қабул қилинган “камбағалликни қисқартиришда тадбиркорлик субъектлари билан ўзаро манфаатли ҳамкорлик ўрнатишга қаратилган чора-тадбирлар тўғрисида”ти ПФ-93-сонли фармони, 2020 йил 22 октябрдаги имзоланган “Хорижда вақтинчалик меҳнат фаолиятини амалга ошираётган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ва уларнинг оила аъзоларини ҳимоя қилиш кафолатларини янада кучайтириш чоралари тўғрисида”ти ПФ-5785 фармони, 2023 йил 26 апрелда “Ёшларнинг бандлигига қўмаклашиш ҳамда уларни доимий иш билан таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ти фармони, 2023 йил 25 январда имзоланган “Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурларини қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ти ПҚ-18-сонли фармони, 2020 йил 22 октябрда имзоланган Профессионал таълим тизимини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ти ПФ-5812-сонли фармонлари қабул қилинган. Буларнинг ҳаммасини бажариш устида катта ишлар амлга оширилмоқда. Буни тадқиқ қилиш зарурияти ҳам мавжудлиги мазкур мавзунинг ўта долзарб масаланинг ечимиға бағишлиланганлигидан далолатдир.

Тадқиқот методологияси. Мамлакатимиз замонавий меҳнат бозори трансформациясида малакали кадрларни тайёрлашга мослаштирилган таълим тизимини ривожлантириш, унинг сифати ва самарадорлигини оширишга қаратилган чора



тадбирларни ишлаб чиқиши жараёнида шакл ва мазмун, индукция ва дедукция, таҳлил ва синтез, макон ва замон, мантиқий таҳлил каби услублардан фойдаланилган.

Таҳлил ва натижалар. Жамият мунтазам равишда ривожланиб бораётган бир шароитда кадрларга бўлган талаб ҳам ўзгариб боради. Дастреб иқтисодиёт шаклланган пайтда асосан дехқонлар, чорвадорлар зарур бўлган. Аста-секинлик билан техникка жорий қилиниши билантехникага мос кадрларга зарурият пайдо бўлди. Шу тариқа ривожланиш малакали кадрлар эвазига содир бўлса, бу ривожланиш жараёни малакали кадрларни ҳам талаб қиласди. Ушбу боғлиқлик қуидаги расмда келтирилган (1-расм).




1-расм. Мехнат бозорида малакали кадрларнинг вужудга келиши ва уларнинг иқтисодиётнинг ривожланиши билан боғлиқлиги

Расмдан кўриниб турибдики, малакали кадрлар иқтисодиётнинг ривожланишига олиб келса, иқтисодиётнинг ривожланиши малакали кадрларга талабнинг ошишига ҳам олиб келади. Масалан, ер ҳайдайдиган киши тракторист бўлиши керак. Катта тажрибага эга дехқон ҳам бу тракторни бошқара олмаслиги мумкин. Агар замонавий ҳолатга келадиган бўлсанк, жуда кўп ахборотлар ахборот технологиялари орқали олинмоқда ва қайта ишланмоқда. Буни оддий шу соҳа мутахассислари қила олади, аммо бошқа соҳа бўйича профессор бўлса ҳам ахборот технологиялардан фойдаланиш илмини ўрганмаган бўлса бу иш қўлидан келмайди. Шу туфайли ҳар бир соҳа ўзига хос малакани талаб қиласди.

Малакали кадрлар, яъни маълум бир соҳада профессионаллашган кадрлар, турли хил йўналишларда бўлиши мумкин. Ушбу йўналишларнинг айримларини қараб чиқамиз. Жумладан, **соғлиқни сақлаш** соҳасини оладиган бўлсанк, бунга ҳам турли йўналишдаги мутахассислар керак бўлади. Соғлиқни сақлаш соҳасига оид кадрлар, умуман олганда шифокорлар, ҳамширалиқ билан шуғулланувчилар ва тиббий ёрдам кўрсатувчилар, тиббий тадқиқотчилар ва бошқа соғлиқни сақлаш соҳасидаги мутахассисларни мисол келтириш мумкин. Буларнинг ҳар бири яна турли йўналишларга эга. Жумладан шифокорлар терапевтларга, хирургларга, невропатологларга, аллергологлар каби ўнлаб йўналишларга эга. Ҳар бир йўналиш ўзининг касбини қилишига тўғри келади.. Масалан битта туманга 50 та шифокор керак. Бу ерда 55 та шифокор бор. Аммо орасида хирург бўлмаса, ушбу соҳа оқсок ҳолда бўлади. Шу туфайли ҳар бир йўналиш бўйича ўзига мос кадрлар бўлиш кераклигини тақозо қиласди.

Кўриниб турибдики, битта соҳада ҳам турли йўналишдаги малакали кадрлар зарур бўлади. Шифокорларнинг турлари ихтисосликлари ва фаолият соҳаларига асосан шаклланади. Қуида шифокорларнинг асосий турларини келтирамиз. Жуда кўп мутахассис асосан терапевтлар бўлади. Булар асосан умумий касалликларни даволаш ва профилактика қилиш билан шуғулланади. Хирурглар инсон танасидаги касал нуқталарни хирургик операцияларни ўtkазиш билан шуғулланади. Худди шундай педиаторлар ҳам ўз йўналишига эга. Булар асосан, болаларнинг соғлиги билан боғлиқ муаммоларни ҳал қиласди. Кардиолог шифокорлар асосий эътиборини юрак ва қон томирлари касалликларини аниқлаш ва даволашга қаратади. Неопсихаторлар эса



психика (рухий) касаллукларини даволайди. Булар таркибида оторингологлар (ЛОР) ҳам бор. Булар қулоқ, бурун ва томоқ касаллуклари билан боғлиқ муаммоларни аниқлади ва даволайди. Тиббиётдаги бир йұналиш дерматолог бўлиб, улар терини ва терига тегишли касаллукларни даволаш билан шуғулланади. Аёлларда мавжуд касаллукларини аниқлаш ва даволашда маҳсус йұналиш гинекологлар шуғулланади. Шунга яқин касаллуклардан бирини, яъни жинсий аъзолари билан боғлиқ касалларни даволайдиган урологлар ҳам фаолият кўрсатади. Эндокринологлар эса асосан, эндокрин тизими ва гормонлар билан боғлиқ касаллукларни аниқлаш ва даволаш билан машғул бўлишади. Рентген кўриклари ва бошқа радиология усусларини қўллаб-қувватлаб, диагноз кўядиган шифокорлар радиолог, деб номланади. Ҳозирги пайтда эҳтиёждан келиб чиқиб, спорт шифокори ҳам пайдо бўлди. Булар спортчиларнинг соғлигини кузатиш ва касаллукларини даволаш билан шуғулланади.

Бугунги кун нуқтаи назаридан, ушбу рўйхат тўлиқ бўлмаслиги мумкин, чунки шифокорларнинг турлари ва уларнинг ихтисослашуви доимий равишида кенгайиб бормоқда. Масалан, олдин жарраёхлик амаллалари асосан танани кесиб, касаллукларни олиб ташлаш билан шуғулланар эди. Эндиликда кўпгина жарраёхлик амаллари кесмасдан амалга оширилмоқда. Ҳудди шундай ҳолат бошқа йұналишларда ҳам содир бўлмоқда. Демак, меҳнат бозорида содир бўлаётган трансфармация жараёни узлуксиз ўзгаришда ва такомиллашувда давом этмоқда.

Ҳозирги инновацион иқтисодиёт шароитида рақамли технологияларга асосланган янги тармоқ шаклланди. Бунда асосан ИТ соҳасига оида кадрлар, хусусан, дастурчилар, тизим администраторлари, маълумотлар базаси мутахассислари каби стратегик кадрлар хизмат қилади. Ушбу соҳа МБТда бутунлай янги мутахассисларга эҳтиёжни ошганлигини иnobiatга олиб лозимлигидан далолат беради.


Иқтисодиётнинг ривожланиши бевосита молиявий ресурсларга ҳам боғлиқ. Буни юритадиган ва бошқарадиган молиячилар ҳам керак бўлмоқда. Ҳозирги кунда замон талабига жавоб берадиган молия мутахассислари, иқтисодчилар, аудиторлар ва инвестиция маслаҳатчилари лозим бўлмоқда. Шу ўринди маркетинг ва реклама ишлари учун ҳам маркетинг мутахассислари, бренд менежерлари ва reklamachilar ҳам лозим бўлмоқда МБТда ушбу кадрларга эҳтиёжни ҳам иnobiatга олишни тақозо қилади.

Ҳозирги мамлакатимизнинг жадал ривожланаётган шароитида бошқа касблар билан бирга муҳандислик касбини талаб қиладиган соҳасига ҳам талаб кучаймоқда. Қандайдир муҳандислик соҳасида, жумлалан, қурилиш, кимё, механика ва электротехника каби соҳаларида ҳам мутахассислар керак бўлади. Бу ерда шуни иnobiatга олиш лозимки, умумий тарзда муҳандис касби, деб аталгани билан улар йұналиши ва тармоқларига қараб бир-биридан кескин фарқ қилади. Масалан, қурилиш ташкилотлари муҳандислари билан, пахтани қайта ишлайдиган заводлар муҳандислари бир-биридан кескин фарқ қилади. Шу туфайли МБТда каерга қандай кадрлар кераклиги аниқ белгиланиб олишлари лозим.

Кадрлар таркибида бошқарув билан боғлиқ кадрлар ҳам мухим роль ўйнайди. Булар таркибиға менежерлар, лойиха менежерлари, кадрлар бўлими мутахассислари кабиларни киритиш мумкин.

МБТда ижодий соҳадаги кадрлар ҳам ўзига хос ўринга эга. Санъаткорлар, дизайнерлар, мусиқачилар ва ёзувчилар. Бу кадрлар ўз соҳаларида юқори малакага эга бўлиб, ишлаш жараёнида ижодкорликларини ва касб маҳоратларини намоён этадилар. Масалага креатив ёндошадиган касблардан бири айнан шулардир.

Бугунги кунда ҳаётий заруриятдан келиб чиқиб, табиатни ўрганувчи малакали кадрлари ҳам керак бўлмоқда. Булар табиат манзарадари, ҳайвонлар, ўсимликлар ва



экологик мұхитни ўргатиши учун сафарбар қилинади. Бундай кадрларни тайёрлайдыган ўрта ва олий таълим ташкилотлари ҳам фаолият күрсатадыган бўлишлари лозим.

Яна бир йўналиш портретни шакллантиручи кадрлар бўлиб ҳисобланади. Булар одамларнинг юз тузулиши ва шу билан бирга шахсий ҳусусиятларини ўз ичига олувчи кадрлардан иборатdir. Худди шундай гурухга пейзаж соҳаси бўйича ҳам кадрлар лозим. Булар кенг манзараларни кўрсатувчи, мукаммал табиатни суръатларда намойиш қилиш учун зарурдир. Спорт соҳасига оид малакали кадрлар ҳам, юқорида таъкидланганидек, спорт тадбирларини, ҳаракатини ва ўзгаришларини кўрсатиши учун зарур бўлганлардир.

Кашфиётларни тарғиб қилувчи кадрлар ҳам янги топилмаларни, илмий тадқиқотлар ёки технолгияларни кўрсатиши учун зарур бўлган кадрлардир. Ҳозирги пайтда камдан-кам учрайдиган манзаралар ва табиатнинг чақмоқ лаҳзаларини тасвирлаш учун ҳайратланарли кадрлар ҳам пайдо бўлган. Булар ҳам маҳсус тайёргарликдан ўтишни талаб қиласди.-.

Кўриниб турибдики, ҳозирги шароитда МБТда кадрларнинг аксарият қисми янги йўналишларга эга. Буларга эришиш учун албатта барча янги касбларнинг рўйхати шаклланиб бориши ва шунга мос кадрларни тайёрлаш ҳам кўзда тутилиши лозим. Бўладиган, янгиланадиган соҳаларга кадрларни тайёрлаш олдиндан бошланиши керак. Шу туфайли МБТда янги кадрларни ярвишнинг прогноз кўрсаткичлари ҳам ишлаб чиқилган бўлиши лозим.

Адабиётлар рўйхати.

1. 2022 йил 28 октябрда бир қанча ўзgartаришлар билан қайта қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат Кодекси”.
2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 6 сентябрдаги “Меҳнат бозорида меҳнат муносабатларини тартиба солишига доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 743-сонли қарори.
3. Президентнинг 16.09.2021 йилда имзоланган “Мустақил давлатлар Ҳамдўстлиги иштирокчи давлатларининг аҳоли бандлигига кўмаклашиш соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги битим” тўғрисида. ПҚ-5245-сон қарори.
4. Пардаев Мамаюнус Қаршибаевич, Бабаназарова Севара Абдиназаровна, Озода Пардаева. “Трансформация” ва “Меҳнат бозори трансформацияси” тушунчаларининг назарий масалалари ва йўналишлари. // BANK BOZOR BIZNES (BANKING MARKET and BUSINESS) 4-сон (sentabr), 09.10.2024. <https://www.jbmb.uz/articles/66f12c03ebb905ea17a5555a>: – 4-10 бетлар. – 0,5 б.т.
5. Пардаев Мамаюнус Қаршибаевич, Бабаназарова Севара Абдиназаровна. Озода Пардаева. Меҳнат бозори трансформацияси фани методининг назарий масалалари. // JOURNAL OF MARKETING, BUSINESS AND MANAGEME. ISSN (E): 2181-3000 Vol. 3 ISSUE 4 SEPTEMBER 2024.:– 4/6-4/12 бетлар. – 0,5 б.т.
6. Мамаюнус Қаршибаевич Пардаев, Севара Абдиназаровна Бабаназарова, Озода Мамаюнусовна Пардаева. Таълим сифати ва самарадорлигини оширишда ўқитувчи ва ўқувчи ҳамкорлигининг инновацион модели.// Progress Annals: Journal of Progressive Research. Volume 2, Issue 9, September 2024. ISSN (E): 2810-6466. Website: <https://academiaone.org/index.php/8>. – 22-27 бетлар. – 0,5 б.т.
7. Мамаюнус Қаршибаевич Пардаев, Севара Абдиназаровна Бабаназарова, & Озода Мамаюнусовна Пардаева. (2024). Меҳнат бозори трансформацияси фани методининг назарий масалалари. PEDAGOGS, 66(1), 169-176. <https://modernedu-dv.com/index.php/PED/article/view/943>. 189-176 бетлар. – 0,6 б.т.